Электр таъминоти шартномасига 7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича**

**ДАЛОЛАТНОМА**

Тузилди ______________________________

"Истеъмолчи"нинг вакили иштирокида ______________________________

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда "Истеъмолчи" қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик бронь даражасигача пасайтириш:

| Т/р № | Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи* | Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт) | Изох |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами:____________кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ходисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич ______________________ кВт

II босқич ______________________ кВт

III босқич ______________________ кВт

IV босқич ______________________ кВт

2. ____________ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

| Т/р № | Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи* | Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт) | Изох |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами:____________кВт

* а) Юклама остида ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда қўриқлаш ёритиш тизими қолдирилади.

б) Авария бронига захирадаги ёнғинга қарши насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар тааллуқли эмас. (ушбу агрегатлар, керак бўлишига қараб, олдиндан "Корхона" билан келишилган холда рўйхатга киритилиши мумкин).

**Истеъмолчи**

________________

М.У.

**Корхона**

«Навоий ҲЭТК» АЖ бош директори

Б.Исломов ________________

ЭТК бошлиғи ________________ У.Каримов

ЭТК ЭЭОХ ва ТКБ муҳандиси ______

**ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ**

20 22 йил "01" 01   22/29 -сон   Навоий шахар.

"Навоий худудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ (кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади)нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б.Исломов, бир тарафдан ва СФТИ Департаменти НВСБ

(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг низоми асосида фаолият юритувчи раҳбари Бобоқулов Ҳасан Зиёдуллаевич иккинчи тарафдан,

( Истеъмолчи" раҳбарининг номи Ф.И.Ш.)

мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

**I. Шартнома предмети**

Ушбу шартнома билан "Корхона" тармоқлари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) "Истеъмолчи"га етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса истеъмол қилинган энергия ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

**II. Етказиб берилган энергия ҳисоби**

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив 28888,0 кВт.с., реактив ____________ кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 тариф бўйича тариф тури, табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин) 12999600 сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида бўлинган йиллик энергия хажми ушбу шартноманинг 1 иловасида келтирилган.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда- ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг 2-иловасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарори 1 иловасида белгиланган рўйхат асосида табиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик хажми — кВт/соат ташкил этади.

**III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган "Истеъмолчи" (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: